



Protected by PDF Any Copy Free  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ХАДА  
PDF  
ЎЗ ҚАРОРИ

Учқўрғон тумани

2023 йил 27 март

4-1602-2302/699-сонли иш

Учқўрғон туманлараро иқтисодий судини судьяси Р.Т.Эргашевни раислигида, судья ёрдамчиси А.Қўчқаровни котиблигида, даъвогар вакили-Д.М (ишончнома асосида)ни иштирокида, даъвогар - ..... акциядорлик жамиятининг жавобгар - ..... хусусий корхонасидан 21 026 495 сўм асосий қарз ҳамда тўлаб чиқилган 30 000 сўм почта харажатини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни Учқўрғон туманлараро иқтисодий судининг биносидан, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, кўйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

..... акциядорлик жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар- ..... хусусий корхонасидан 21 026 495 сўм асосий қарз ҳамда тўлаб чиқилган 30 000 сўм почта харажатини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъво талабини қувватлаб, уни тўлиқ каноатлантириб берилишини сўради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин. Шу сабабли суд мазкур иқтисодий ишини жавобгар вакилини иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишдаги тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, даъвогар вакилини тушунтиришини тинглаб, қуйидагиларга кўра даъво талабини тўлиқ каноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар ..... хусусий корхонаси томонидан табиий газ етказиб берувчи корхона билан шартнома тузмасдан, 2020 йилни июнь ойидан 2023 йилни февраль ойига қадар табиий газдан фойдаланиб, тўловларни ўз вақтида амлга оширмаганлиги оқибатида истеъмол қилинган табиий газдан 21 026 495 сўм қарздорлиги вужудга келган.

Даъвогар томонидан жавобгарга қарздорликни бартараф этиш юзасидан талабнома ҳамда огохлантириш хатлари юборилган. Ижобий натижа бўлмаган.

Шу сабабли даъвогар 21 026 495 сўм табиий газдан бўлган қарздорликни ундиришни сўраб, Учқўрғон туманлараро иқтисодий судига муурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фикрорлик кодексининг 236-моддасига мувофиқ, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар булмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатта қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши

Даъво талабидаги қарз иш ҳужжатларига илова қилинган тарафлар ўртасида тузиб имзо акт сверка билан исботини топади.

Иш ҳужжатларида кўринишича, даъвогарнинг асосий қарзни ундириш талаби қонун ҳужжатларига мувофиқ асосли, у тақдим этилган иш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топади.

Шу боис даъво талаби асосли.

Юқоридагиларга кўра суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар ..... хусусий қорхонаси ҳисобидан даъвогар ..... акциядорлик жамияти фойдасига 21 026 495 сўм асосий қарз ҳамда тўлаб чиқилган 30 000 сўм почта харажати, бюджетга, (суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси)га 421 129,9 сўм давлат божини ундиришни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176, 179-моддаларини қўллаб,

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Даъвогарни даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар ..... хусусий қорхонаси ҳисобидан:

Даъвогар ..... акциядорлик жамияти фойдасига 21 026 495 сўм асосий қарз ҳамда тўлаб чиқилган 30 000 сўм почта харажати;

Бюджетга, (суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси)га 421 129,9 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний қучга киргач, ижро варақалари берилсин.

*Мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин.*

**Судья**

**Р.Т.Эргашев**